

## YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA

### HUQUQIY XULOSA

№ FN3100303352

1. Loyihaning turi: Shartnoma.

2. Loyihaning nomi: Xizmat ko'rsatish shartnomasi

3. Loyihaning qisqacha mazmuni:

Urgut tuman tibbiyot birlashmasi va "Tasviriy oyna" MCHJ o'rtasida jami 19 500 000 (o'n to'qqiz million besh yuz ming) so'mlik 4 turdagi banerlar va boshqalarni yetkazib berish bo'yicha shartnoma loyihasi ishlab chiqilgan.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Urgut tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan "E-huquqshunos" elektron tizimi orqali 2022-yil 30-may kuni NW51076284-son hujjat raqami bilan ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

### XULOSA:

Loyiha O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida" 1998-yil-29 avgustdagi 670-I-son qonuniga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Yuridik xizmat ko'rsatish  
markazi bosh yuriskonsulti



M.Aktamov

2022-yil 31-may

# ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ № 26/05

22110012088495 лот

{year} yil «{day}»-may

{number}-son

Urgut sh.

"Tasviriy oyna", МЧЖ (кейинги ўринларда «ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ» деб юритилади) ўзининг низоми, асосида иш юритувчи рахбари С.Худойбердиев номидан, бир томондан ва Ургут туман тиббиёт бирлашмаси (кейинги ўринларда «БЮЮРТМАЧИ» деб юритилади) ўзининг низоми асосида иш юритувчи Д.Х.Тоғаев номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича «Хизмат кўрсатувчи» «Буюртмачи»га қуйидаги жадвалда келтирилганлар бўйича (кейинги ўринларда – «Хизматлар» деб юритилади) хизмат кўрсатиш, «Буюртмачи» ушбу «Хизматлар»ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади:

№	Товарларнинг тури	Ўлчов бирлиги	Ҳажми	Нархи	Суммаси
1	Байрам паннолар	М2	45	60000	2700000
2	Махаллабай ишлаш п-ти	М2	150	80000	12000000
3	Ургут туман Ғўс ОШП	М2	56	50000	2800000
4	Ургут туман Испанза ОШП	М2	40	50000	2000000
	ЖАМИ				19 500 000

1.2. Шартноманинг умумий суммаси: **19 500 000 (ўн тўққиз миллион беш юз минг) сўмни** ташкил қилади.

## 2. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. «Буюртмачи» мазкур шартномани 2 томонлама тасдиқланган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30% миқдоридан (шартнома сўммасидан 30% миқдоридан) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни хизматларни қабул қилгандан сўнг 10 банк иш куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура асосида тўлайди.

2.2. «Хизмат кўрсатувчи» аванс маблағлари тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 5 банк иш куни ичида юқорида кўрсатилган хизматларни бажариб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

2.3. «Буюртмачи» хизматларни қабул қилишда «Хизмат кўрсатувчи» иштирокида олинаётган хизматларнинг тўлиқлигини ва сифатини шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган хизматларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.4. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, хизматларни жойига қадар олиб бориш бўйича барча харажатлар «Хизмат кўрсатувчи» ҳисобидан амалга оширилади.

2.5. «Буюртмачи» нинг розилигига кўра хизматлар муддатидан олдин бажариб берилиши мумкин.

2.6. Кўрсатилаган хизматлар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда кўрсатилаган хизматларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.7. Мазкур шартномада кўзда тутилган хизматларни бажариш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

### **3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

#### **3.1. «Буюртмачи» нинг ҳуқуқлари:**

3.1.1. «Хизмат кўрсатувчи» дан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

3.1.2. «Буюртмачи» ҳисобидан хизматлар ташиб келтирилганда, «Хизмат кўрсатувчи» дан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартлариджа бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

3.1.3. «Хизмат кўрсатувчи» дан мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича хизматларни етказиб беришни талаб қилиш;

3.1.4. Сифатсиз хизматлар кўрсатилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш хизматлар билан алмаштириб бериш;

- камчиликларни беғараз бартарф этиш;

- хизматларнинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлари «Буюртмачи» ёхуд учунчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплаш;

#### **3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:**

- мазкур шартномага мувофиқ етказиб берилган хизматларни қабул қилиш;

- кўрсатилган хизматларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нарҳда ва муддатда тўлаш;

#### **3.3. «Хизмат кўрсатувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

- «Буюртмачи» олдиндан тўлов ва кўрсатилган хизматлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- «Буюртмачи» дан шартномага мувофиқ, кўрсатилган хизматларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

### 3.4. «Хизмат кўрсатувчи»нинг мажбуриятлари:

- «Буюртмачи» га хизматларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;  
- Агар хизматларни етказиб бериш жараёнида «Хизмат кўрсатувчи» шартнома шартлари ва меъёрлардан ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўл қўйган ҳолларда «Буюртмачи» нинг талаби бўйича 15 кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни бегараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Кўрсатилган хизматларни олмаслик, шунингдек «Хизмат кўрсатувчи» шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни кўрсатилган хизматларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун «Буюртмачи» «Хизмат кўрсатувчи»га ўз муддатида олинмаган хизматлар қийматининг 10 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Кўрсатилган хизматлар асоссиз рад этилган ҳолларда, «Хизмат кўрсатувчи» жарима ундиришдан ташқари, ушбу хизматлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, олинмаган (ўз муддатида олинмаган) хизматлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.2. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида хизматлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун «Буюртмачи» «Хизмат кўрсатувчи» га ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сўмманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Кўрсатилаган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун «Буюртмачи» «Хизмат кўрсатувчи»га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов сўммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов сўммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

### 4.3. «Хизмат кўрсатувчи»:

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган хизматларни кўрсатиш муддатлари ва жойи бўйича «Хизмат кўрсатувчи» шартнома шартларининг буюртмачи назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- шартнома шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.4. Агар кўрсатилган хизматлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий

шартларга мос келмаса, «Буюртмачи» хизматларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, «Хизмат кўрсатувчи» дан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган хизматлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар хизматлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган сўммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган хизматлар кўрсатганлик учун жарима «Хизмат кўрсатувчи» дан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.5. Кўрсатиладиган хизматлар муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ бажариб берилмаган хизматлар «Хизмат кўрсатувчи» «Буюртмачи» кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий сўммаси кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни кўрсатилиши керак бўлган хизматлар муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди;

4.6. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар маҳсулотлари нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ товар етказиб берувчи томонидан қопланади.

## **5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита иктисодий судига мурожаат қилишга ҳақлидир

5.3. Томонлар иктисодий судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иктисодий судида кўриб чиқилади.

## **6. ФОРС-МАЖОР**

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 августдаги 63-сонли “Енгиб бўлмас куч (*форс-мажор*) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида”ги қарорида кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади.

6.2 Енгиб бўлмайдиган кучлар (*форс-мажор*) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (*зилзила, кўчки, бўрон, қургоччилик ва бошқалар*) ёки ижтимоий-иктисодий ҳолатлар (*уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар*) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлар киради.

## **7. БОШҚА ШАРТЛАР**

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

## 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил «31» декабригача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши **бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб**, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

## 9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»
Ташкилот номи: «Тасвирий ойна» Н/У Манзил: Ургут тумани навоий шох 30 уй Телефон: +998902716122 СТИР коди: 202991921 ОКОНХ: Х/Р: 2020800904010751001 Банк: «Микрокредит банк» Ургут булим филиали МФО: 00301
 Раҳбар: _____ С.Худойбердиев

«БУЮРТМАЧИ»
Ташкилот номи: Ургут туман тиббиёт бирлашмаси Манзил: Навоий шох 99 уй Телефон: 97-390-88-04 Ташкилотнинг СТИР: 200784602 ИФУТ:
ШҲХ: 100022860182367073101054004 Ғазначилик бўлинмасининг номи: Ургут тумани ЯҲХ: _____ Банк _____ номи:
МФО: _____ Ғазначилик бўлинмасининг СТИР: _____
Раҳбар: _____ Д.Тоғаев М.Ў. _____ (ИМЗО)